

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12. 2019.Ped 28.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ГОФУРОВ АЗИЗБЕК УМАРЖОНОВИЧ

**ЁШ КУРАШЧИЛАРНИНГ БАЗАВИЙ ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАРИНИ
КООРДИНАЦИЯ МАШҚЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ**

**13.00.04-Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти
назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ-2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Гофуров Азизбек Умаржонович

Ёш курашчиларнинг базавий ҳатти-ҳаракатларини координация
машқларидан фойдаланган ҳолда такомиллаштиришнинг методологик
асослари.....3

Гофуров Азизбек Умаржонович

Методологические основы совершенствования базовых движений юных
курашистов путем использования координационных
упражнений.....27

Gafurov Azizbek Umarjanovich

Methodological basis for improving the basic behavior of young belt wrestlers
using coordination exercises.....49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....53

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12. 2019.Ped 28.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ҒОФУРОВ АЗИЗБЕК УМАРЖОНОВИЧ

**ЁШ КУРАШЧИЛАРНИНГ БАЗАВИЙ ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАРИНИ
КООРДИНАЦИЯ МАШҚЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ**

**13.00.04-Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти
назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ-2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Ped290 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетидан бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб саҳифасининг www.uzdjtsu.uz ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Керимов Фикрат Азизович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Усмонхўжаев Талат Саидович
педагогика фанлари доктори, профессор

Бакиев Зафар Абдушукурович
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “17” март соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19 уй. Тел: (0-370) 717-17-79, 717-27-27, факс: (0-370) 717-17-76, веб-сайт www.uzdjtsu.uz, e-mail: uzdjtsu@uzdjtsu.uz. Ўзбекистон Давлат Жисмоний тарбия ва спорт университети

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин 211869 рақами билан рўйхатга олинган. Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй. Тел: (0-370) -717-17-79, 717-27-27, факс: (0-370) 717-17-76.

Диссертация автореферати 2022 йил “5” март куни тарқатилган.
(2022 йил “5” мартдаги 8-рақамли реестр баённомаси)

М.Р. Болтабаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

М.Х. Миржамолов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Ш.И.Алламуратов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда замонавий спортнинг ривожланиши ва спортда эришилган ютуқларнинг динамикаси шундай даражага етдики, мавжуд натижаларни яхшилаш учун янги технология яратиш кўпроқ куч, илм, вақт ва бошқа ресурсларни сарфлашни талаб қилмоқда. Шу сабабли кўп йиллик тайёргарлик жараёнини оптималлаштириш спорт ихтисослигининг илк босқичлариданоқ амалга оширилиши лозим. Спорт мусобақаларининг энг олий чўққиси саналган Олимпия ўйинлари, шунингдек, жаҳон ва Осиё чемпионатлари ҳамда бошқа нуфузли халқаро мусобақаларнинг муросасиз ўтиши ёшларда спортга қизиқишининг ошишига сабаб бўлмоқда. Дунёнинг барча мамлакатлари аҳоли орасида жисмоний тарбия ва спортга катта аҳамият қаратишни давлат сиёсати даражасига олиб чиқиш, аҳолини соғломлаштириш ва спорт турларига жалб қилиш бўйича бир қатор чора-тадбирлар олиб бормоқда.

Жаҳон миқёсида кураш бўйича рақобатнинг кескин даражада ошиб бораётгани ҳозирги кунда спортчиларни тайёрлашнинг оптимал жиҳатларини қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш муаммоларини илмий жиҳатдан ўрганишни талаб қилмоқда. Бир қатор олимлар томонидан кураш турлари билан шуғулланувчи спортчиларнинг техник-тактик ҳаракатларни бажаришда координацион қобилиятларини ривожлантириш бўйича илмий-амалий изланишлар олиб борилмоқда. Бироқ курашчиларда куч қобилияти ва реакция тезкорлигини такомиллаштиришга қаратилган курашчиларда махсус координацион машқларни қўллаган ҳолда техник-тактик усулларни бажариш самарадорлигини ошириш бўйича етарлича илмий изланишлар олиб борилмаган.

Республикада жисмоний тарбия ва спорт соҳасида олиб борилаётган мақсадли тизимнинг шаклланиши, ёшларга берилаётган эътибор, оммавий спорт турларини ривожлантиришга қаратилган бир қанча қарор ва фармонлар ишлаб чиқилиб ушбу соҳани тартибга солишда меъёрий асос ҳисобланмоқда. “Кураш миллий спорт турини аҳоли, айниқса, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида янада ривожлантириш ҳамда оммалаштириш, ўсиб келаётган авлодда миллий ифтихор ва ватанпарварлик туйғусини мустаҳкамлаш, шунингдек, жамиятда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш”¹ вазифаси белгилаб берилган. кураш бўйича республика ва жаҳон миқёсида ўтказилаётган мусобақаларда кўп миллат вакиллари орасида қизиқишнинг ва рақобатнинг ортиб бораётганлиги ушбу спорт турининг ривожланишини ҳисобга олган ҳолда курашчиларимизни турли миқёсдаги мусобақаларга тизимли равишда тайёрлаб бориш, техник-тактик ҳаракатларнинг бажариш самарадорлигини оширишда замонавий технологиялардан фойдаланиш, айниқса кураш билан шуғулланувчи болаларнинг координацион қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кураш миллий спортини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3306-сонли қарори; 2017 йил 2 октябрь.

машқларнинг модулли тизимини ишлаб чиқишни талаб қилмоқда. Шундан келиб чиқиб, кураш спорт турига оид қобилиятларни аниқловчи тестлари мажмуасини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш зарурияти юзага келмоқда. Шу мақсадда бугунги илмий тадқиқотларда ёш курашчиларнинг техник-тактик ҳаракатларини такомиллаштиришда махсус спорт ускуналаридан фойдаланиб координацион қобилиятларини ривожлантириш ўзига хос аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги ПФ-5368-сон “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2020 йил 4 ноябрдаги ПҚ-4881-сон “Кураш миллий спорт турини ривожлантириш ва унинг халқаро нуфузини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 2 октябрдаги ПҚ-3306-сон “Кураш миллий спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 3 июндаги ПҚ-3031-сон “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорларига мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика ва фан технологияларини ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” билан боғлиқ устувор йўналишлар доирасига мос равишда амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Спорт назарияси ва услубияти соҳасидаги кўпчилик мутахассислар - А.А.Рузиев, Т.С.Усмонходжаев, Ф.Керимов, Н.Юсупов, А.М.Ачилов, М.А.Қурбонова, А.А.Пулатов ва бошқалар томонидан ўқув қўлланма ва дарсликларда болалар-ўсмирлар спорти назарияси ва услубияти соҳасида ёш спортчиларни тайёрлаш тизими ёритилган, жумладан болалар организмнинг ёшига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда юкламаларни режалаштириш ва машғулот услубияти ишлаб чиқилган. Кураш бўйича педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун Ж.М.Иштаев, Ш.С.Мирзанов, З.С.Артиқов, М.Қирғизбоев ва А.У.Хамиджановлар томонидан бажарилган диссертация тадқиқотларида курашчиларнинг портлаш қобилияти, статокинетик ва статодинамик мувозанат, саралаш муаммолари ҳар томонлама ўрганилган.²

²Рузиев А.А, Научно-методические основы многолетней подготовки квалифицированных юных борцов: Автореф. дис. ... д-ра пед. наук. –М., 1999. - 50 с.; Usmanhodjaev T.S., Sh.X.Isroilov, A.A.Pulatoev, Sh.A.Pulatoev “Milliyvaharakatlio’yinlar” Darslik. - Toshkent, 2015, 300 b.; Усмонходжаев Т.С. вабошқ. 500 машқ ва ҳаракатлиўйинлар 2- қисм. Тошкент.1999. Б. 4-15; Керимов Ф, Юсупов Н. Кураш учун ҳаракатли ўйинлар.-Тошкент, 2003, 69 б.;

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва хорижда мавзуга доир олиб борилган бир қатор тадқиқотларда В.И.Филимонов, В.П.Филин, В.Г.Никитушкин, А.Г.Ширяев, Л.В.Волков; В.Е.Котешев, Д.А.Тишлер, А.Д.Мовшович, Г.Д.Тишлер, Т.Бомпа, Л.П.Фатеева, Л.В.Волков, Н.В.Луткова, Л.Н.Мишина, О.П.Бауэр, J. Hoffman J. Samuel, David Grácio Pedro, Paulo Martins, Э.С.Озолин, Л.В.Билеева, А.В.Канатов ва бошқалар томонидан ёш спортчиларнинг психологик, техник-тактик, умумий ва махсус жисмоний тайёргарлигида ҳаракатли ўйинларнинг алоҳида аҳамиятга эга эканлиги таъкидлаб ўтилган³.

Шундан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, техник ва тактик тайёргарлик курашда муваффақиятли фаолият асоси бўлиб хизмат қилади, юқори даражада ривожланган координацион қобилиятлар эса кураш асосларини муваффақиятли ўзлаштиришга замин яратади. Яккакурашчилар ва бошқа соҳадаги спортчиларнинг техник ва тактик тайёргарлиги жараёнида координацион қобилиятларнинг аҳамияти кўпчилик олимлар томонидан тан олинган бўлишига қарамасдан, ёш курашчиларнинг координацион қобилиятларини техник-тактик маҳоратни ўзлаштиришнинг устувор йўналиши сифатида такомиллаштириш бўйича манбалар етарли эмас.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг № V/I.34 “Жисмоний тарбия ва спорт фаолиятининг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш асосида терма жамоаларда юқори малакали спортчиларни тайёрлаш тизимини, жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларида касбий-педагогик кўникма ҳамда малакаларни ривожлантириш” мавзуси доирасида бажарилган.

³Филимонов В.И. Физическая подготовка начинающего боксера. - М., 1990, 159 с.; Филин В.П. Воспитательная работа с юными спортсменами // Система подготовки спортивного резерва. - М.: ВНИИФК, 1994, С. 57-90.; Система подготовки спортивного резерва/ Под общ. Ред. В.Г. Никитушкина.-М., 1994, 319 с.; Ширяев А.Г. Педагогические основы организации и содержания многолетней подготовки спортсмена (на примере бокса): Автореф. дис. ...док. пед. наук. / А.Г.Ширяев. – Санкт-Петербург., 1992, 46 с.; Волков Л.В. Спортивная подготовка детей и подростков. - К.: Вежа, 1998, С. 190.; Котешев В.Е. Методология управления адаптацией спортсменов к специальным двигательным действиям в боксе. Автореф. дисс.... доктор. пед. наук. / В.Е.Котешев-Краснодар, 1998, 45 с.; Тышлер Д.А., Мовшович А.Д., Тышлер Г.Д. Многолетняя тренировка юных фехтовальщиков: Учебное пособие. - М.. 2002, 254 с.; Подготовка юных чемпионов: Пер. с англ. / Т.Бомпа-М.: ООО “Издательство Астрель”: ООО “Издательство АСТ”, 2003.-XII, 259 с.;Фель В.А. Игровой метод развития специальных качеств фехтовальщиков в группах начальной спортивной подготовки. Автореф. дис. ... канд. пед. наук.-Минск. 1989, 23с.; Фатеева Л.П. 301 подвижных игр для младших школьников. Популярное пособие для родителей и педагогов. - Ярославль: Академия развития. 1998, С. 4-5.; Волков Л.В. Теория и методика детского и юношеского спорта. Киев Олимпийская литература. 2002, 290 с.; Луткова Н.В., Мишина Л.Н. Подвижные игры как средство решения педагогических задач в различных звеньях физического воспитания: Учебно-методическое пособие / – СПб.: СПбГАФК, 2003. – 83 с.; Бауэр О.П. Организация и методика соревновательной деятельности юных дзюдоистов: Дисс. ... канд. пед. наук:13.00.04 /Л.П. Шумилин. - Красноярск. 2003, 144 с.; Озолин, Э.С. Пути привлечения к тренировкам и сохранения в спортивных секциях //Физическая культура: воспитание, образование, тренировка. 2004, № 3, С. 23-25.; Канатов. А.В. Формирование спортивной мотивации у юных баскетболистов на этапе углубленной специализации: Автореф. дисс. ... канд. пед. наук: – Тюмень, 2005, 26 с.

Тадқиқотнинг мақсади ёш курашчиларнинг базавий хатти-ҳаракатларини координация машқларидан фойдаланган ҳолда такомиллаштириш бўйича таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ёш курашчиларни беллашув жараёнидаги ҳужум ҳаракатларига ўргатиш учун янги “Курашчиларнинг кўчма тренажёр” мобил қурилмасини ишлаб чиқиш;

Тайёргарлик босқичида ёш курашчиларни асосий усуллар - кифтлаш, илиш ва тўсиб ташлаш ҳаракатларининг ҳар бир фазасини аниқ амплитуда бўйича ўргатиш учун яратилган курашчиларнинг кўчма тренажёрдан фойдаланиш самарадорлигини тажрибада асослаш;

ёш курашчиларнинг беллашув вақтида техник тайёргарлигининг миқдорий ва сифат кўрсаткичларини яхшилаш учун табақалаштирилган координацион машқлар модулини ишлаб чиқиш;

ёш курашчиларнинг жисмоний тайёргарлиги, мувозанат сақлаш қобилиятларини ривожлантириш учун “Кўп функцияли стойка” тренажёрини ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлигини тажрибада асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Фарғона вилояти Қўқон шаҳридаги 1-сонли болалар-ўсмирлар спорт мактаби, Фарғона вилояти Бешариқ тумани болалар-ўсмирлар спорт мактаби, Қўқон шаҳар 2-сонли болалар-ўсмирлар спорт мактабида шуғулланувчи ёш курашчилар ўқув машғулотлари жараёни олинган.

Тадқиқотнинг предмети ёш курашчиларнинг махсус координация қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган машқлар мажмуаси, техник ва тактик тайёргарлик модули ва назорат тестларидан фойдаланиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда илмий-услубий адабиётлар материалларининг таҳлили, анкета сўровномаси, педагогик кузатиш, педагогик тестлаш, инструментал услуб, педагогик тажриба ва математик статистика усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ёш курашчиларни беллашув жараёнидаги ҳужум ҳаракатларига ўргатиш учун ишлаб чиқилган “Курашчиларнинг кўчма тренажёри” орқали доимо бир хил қаршилиқни сақлаб туриш ҳамда усулни яқиний фазасигача олиб бормаслик ҳисобига машғулотларда жароҳатланишни олдини олиш имконияти такомиллаштирилган;

тайёргарлик босқичида ёш курашчиларни асосий усулларга ўргатишда кифтлаш, илиш ва тўсиб ташлаш ҳаракатлари траекториясининг ҳар бир фазаларини аниқ амплитуда бўйича бажариш орқали базавий хатти-ҳаракатларни шакллантириш ҳисобига ҳужум ҳаракатларининг дастлабки техник элементларига ўргатиш имконияти кенгайтирилган;

ёш курашчиларнинг беллашув вақтида техник тайёргарликнинг миқдорий ва сифат кўрсаткичларини яхшилаш учун табақалаштирилган анаэроб тиклантирувчи режимда тезлик ва реакция тезкорлиги қобилиятини,

аэроб ривожлантирувчи ҳамда аралаш режимда координация қобилиятларини такомиллаштиришга қаратилган мажмуавий тайёргарлик модулини ишлаб чиқиш ҳисобига ҳужум қилиш вазиятини назорат қилиш имконияти кенгайтирилган;

ёш курашчиларнинг жисмоний тайёргарлик, мувозанат сақлаш қобилиятларини ривожлантириш учун ишлаб чиқилган “Кўп функцияли стойка” тренажери орқали тўсиб ташлаш усулидаги тезкор-куч машқларини тўлдирма тўпда махсус усулларга боғлиқ ҳолда машғулотларга киритиш ҳисобига махсус жисмоний тайёргарлик имконияти такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ёш курашчиларни беллашув жараёнидаги ҳужум ҳаракатларига ўргатишда доимо бир хил қаршилиқни сақлаб туриш ҳамда усулни яқуний фазасигача олиб бормаслик ҳисобига жароҳатларни камайтиришга ёрдам берувчи янги “Курашчиларнинг кўчма тренажери” ишлаб чиқилган ;

тайёргарлик босқичида асосий усулларга ўргатиш учун кифтлаш, илиш ва тўсиб ташлаш ҳаракатлари траекториясининг ҳар бир фазаларини аниқ амплитуда бўйича бажариш орқали базавий хатти-ҳаракатларни шакллантириш ҳисобига ёш курашчиларни ҳужум ҳаракатларининг дастлабки техник элементларига ўргатиш самарадорлиги оширилган;

тайёргарликнинг дастлабки босқичларида беллашув вақтида техник тайёргарликнинг миқдорий ва сифат кўрсаткичларини яхшилаш учун табақалаштирилган анаэроб тиклантирувчи режимда тезлик ва реакция, аэроб ривожлантирувчи ҳамда аралаш режимда координацион ҳаракатлар модули ишлаб чиқилган;

ёш курашчиларнинг жисмоний тайёргарлик, мувозанат сақлаш қобилиятларини ривожлантириш учун “Кўп функцияли стойка” тренажери ишлаб чиқилган ва тажрибада асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий назариялар, спорт амалиётида мавжуд қоидаларнинг назарий жиҳатдан асосланганлиги, тадқиқотнинг илмий ташкил этилганлиги билан тасдиқланиб, қўлланилган тадқиқот услублари комплекси тадқиқот олдига қўйилган вазифаларга мос келади, катта далилий материалларнинг юқори даражадаги ишончлилиги, тўғри ишлаб чиқилганлиги, таҳлил қилинганлиги ва талқин этилганлиги, олинган натижаларнинг тўғрилиги ва ишончлилиги тадқиқот ва педагогик услубларнинг тўғри қўлланилганлиги, тажриба-синов ишларининг ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил услублари ёрдамида ишлаб чиқилганлиги билан таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ўтказилган педагогик тажрибалар ҳамда қўлга киритилган натижаларга асосланиб ёш курашчилар ўқув-машғулот жараёнининг замонавий воситалари ишлаб чиқилган ва улардан фойдаланишнинг илмий жиҳатлари очиб берилган, илмий изланишлар жараёнида ёш курашчиларнинг базавий ҳаракатларини

координация машқлари ёрдамида ривожлантириш, шунингдек, уларнинг техник ҳаракатлари самарадорлигини оширишнинг бир-бири билан узвий равишда боғлиқлиги амалий жиҳатдан исботланган. Мазкур олинган маълумотлар спорт курашлари назарияси ва услубияти соҳасидаги назарий билимларни бойитиш имкониятини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ёш курашчиларнинг базавий ҳаракатлари самарадорлигини ошириш учун замонавий қурилмадан, шунингдек, курашчиларнинг умумий жисмоний тайёргарлигини ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилган спорт қурилмасидан кенг фойдаланиш ушбу замонавий спорт ускуналари орқали спортчиларни тайёрлашнинг бошланғич тайёргарлик босқичидан бошлаб базавий ҳатти-ҳаракатларини тўғри шакллантиришга, юкламаларни оқилона тақсимлашга ва шу туфайли тайёргарликнинг кейинги босқичларида ўқув машғулотлари ва мусобақа фаолиятида натижадорликнинг ўсишига ва табақалаштирилган баҳолаш шкаласини синаш методикаси, техник ва тактик тайёргарлик параметрларини баҳолаш дастурини, махсус координация машқлари воситасида ёш курашчиларнинг техник-тактик тайёргарлиги методикасини ўқув-машғулотлар жараёнига татбиқ қилишга имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ёш курашчиларнинг базавий ҳатти-ҳаракатларини координация машқларидан фойдаланган ҳолда такомиллаштиришнинг методологик асослари бўйича олинган тадқиқот натижалари асосида:

ёш курашчиларда беллашув жараёнидаги ҳужум ҳаракатларини якуний фазасигача олиб бормаслик ҳисобига машғулотларда жароҳатланишни олдини олиш бўйича таклифлар “Кураш турларини ўқитиш методикаси” (кураш) номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 18 августдаги 356-сон буйруғига асосан 356/7-129 рақамли гувоҳнома). Натижада курашчиларда техник-тактик тайёргарликнинг 6 та кўрсаткичи бўйича нисбий ўсишнинг ўртача арифметик қиймати 11 % га яхшиланган;

ёш курашчиларни тайёргарлик босқичида асосий усулларга ўргатишда ҳаракат траекториясини ҳар бир фазаларини аниқ амплитуда бўйича бажариш орқали базавий ҳатти-ҳаракатларни шакллантиришга қаратилган таклифлар Қўқон шаҳар 1-сонли болалар-ўсмирлар спорт мактаби, Фарғона вилоятининг Бешариқ туманидаги болалар-ўсмирлар спорт мактабининг ўқув-машғулотлари жараёнига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2020 йил 23 декабрдаги 03-07-08-3675-сонли маълумотномаси). Натижада БЎСМларида шуғулланувчи 10-12 ёшли курашчиларнинг техник-тактик ҳаракатлари 14-16 %га такомиллаштирилган;

ёш курашчиларни беллашув вақтида техник ҳаракатларини такомиллаштиришда, табақалаштирилган анаэроб тиклантирувчи режимда тезлик ва реакция тезкорлиги қобилятини, аэроб ривожлантирувчи ҳамда аралаш режимда координация қобилятларини такомиллаштиришга

қаратилган мажмуавий тайёргарлик модулини қўллаш бўйича таклифлар Кўкон шаҳар 2-сонли болалар-ўсмирлар спорт мактабида шуғулланувчи ёш курашчилар ўқув машғулоти жараёнига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2020 йил 23 декабрдаги 03-07-08-3675-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида ёш курашчиларнинг координация ҳаракатлари 9,7% га яхшиланган;

ёш курашчиларнинг жисмоний тайёргарлик, мувозанат сақлаш қобилиятларини ривожлантириш учун ишлаб чиқилган “Кўп функцияли стойка” тренажери орқали тўсиб ташлаш усулини такомиллаштиришда тезкор-куч машқларини қўллаш бўйича таклифлар “Кураш турларини ўқитиш методикаси” (кураш) номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 18 августдаги 356-сон буйруғига асосан 356/7-129 рақамли гувоҳнома). Натижада ёш курашчиларнинг жисмоний тайёргарлик, мувозанат сақлаш қобилиятларини ривожлантириш имконияти 16-18 % га яхшиланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 12 та илмий-услубий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, улардан 3 таси хорижий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, 4 та бобдан иборат бўлиб, 133 саҳифа матн, 3 та расм, 10 та жадвал, 9 та диаграмма, хулосалар, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва унинг зарурати, тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, диссертациянинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқот усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти ва уларнинг жорий қилиниши, апробацияси ва эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ёш курашчиларнинг базавий ҳаракатларини такомиллаштиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида ёш курашчиларни техник ва тактик ҳаракатларга ўргатишнинг умумий тавсифи, спорт курашлари техникасини ўргатишда машғулоти

жараёнининг тузилиши ва моҳияти, кураш спорт турларида мусобақа фаолиятини таҳлил қилиш масалалари ҳозирги кунда мавжуд илмий-услубий адабиётларни таҳлил қилиш орқали ёритилган. Бир қатор олимлар [Ж.А.Акрамов, 2007; В.Н.Шин, С.С.Тажибаев, 2012] спортчининг жисмоний тайёргарлиги спорт машғулотининг муҳим таркибий қисмларидан бири эканлигини, бошқа олимлар [Т.С.Усмонходжаев, Ф.К.Турдиев, Ж.А.Акрамов, 2006; Р.С.Саламов, Р.М.Маткаримов, 2011] умумий жисмоний тайёргарликда турли воситалар (акробатика, енгил атлетика, сузиш ва ҳ.к.) ва махсус тренажёрларда бажариладиган машқлардан фойдаланиш самарали эканлигини таъкидлашган. Баъзи мутахассисларнинг [Ф.А.Керимов, 2004; Н.А.Тастанов, 2017; З.А.Бакиев, 2011] фикрига кўра, спортчининг координацион қобилиятини ривожлантириш самарасини ошириш билан бир қаторда, келгуси машғулотларда маълум даражада ўсишига ёрдам берувчи воситалар қўлланилиши мақсадга мувофиқдир. Олиб борилган таҳлиллар натижаларига кўра, ҳозирги вақтда спорт курашлари амалиётида қўлланилаётган методикалар ёш спортчиларни техник-тактик жиҳатдан тайёрлаш учун етарли эмаслиги аниқланди, бу танланган мавзунинг долзарблигини белгилаб беради.

Диссертациянинг **“Тадқиқотнинг усуллари ва унинг ташкил қилиниши”** деб номланган иккинчи бобида мазкур тадқиқот иши олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун илмий-услубий адабиётларнинг таҳлили, анкета-сўровномаси, педагогик кузатув, педагогик тестлаш, тадқиқотни амалга ошириш бўйича педагогик тажрибалар, тадқиқотнинг ташкил қилиниши, олинган материалларни қайта ишлаш бўйича математик статистика усулларида фойдаланилганлик ҳамда биз томонимиз ишлаб чиқилган, курашчиларнинг ўқув-машғулотларини режалаштиришда қўллаш учун “МРК А 63 В 69-00” “Курашчилар учун кўчма тренажёр” ва курашчиларнинг умумий жисмоний тайёргарлигини аниқловчи “Кўп функцияли стойка” спорт ускуналарининг тузилиши ва функциясини ўрганиб чиқиш ва ёш белбоғи курашчиларнинг техник-тактик ҳатти-ҳаракатлари самарадорлигини ошириш учун махсус машқлар мажмуасини ишлаб чиқиш борасидаги маълумотлар ёритиб берилган.

Тадқиқот 2017-2020 йилларда урта босқичда ташкил этилди.

Биринчи босқичда (2017 йил) махсус илмий-услубий адабиётларни таҳлил қилиш асосида спортчиларнинг координацион қобилиятларини ривожлантириш ва техник-тактик ҳаракатлари самарадорлигини оширишнинг назарий ва амалий хусусиятлари ўрганилди, тадқиқотнинг йўналиши белгиланди. Тадқиқотнинг мавзуси шакллантирилди. Амалга ошириладиган тажрибаларга мос равишда усуллар танланди, ишчи фараз шакллантирилди. Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгиланди, дастлабки материаллар тўпланди.

Иккинчи босқичда (2018-2019 ўқув йили) биз томонимиздан ишлаб чиқилган ёш курашчиларнинг координацион қобилиятларини ривожлантириш ва техник-тактик ҳаракатлари самарадорлигини ошириш

технологиясини тажриба-синовларда қўллаш орқали курашчиларнинг техник-тактик тайёргарлиги ва умумий жисмоний тайёргарлиги даражалари аниқланди.

Тажриба ўтказиш учун махсус ишлаб чиқилган “МРК А 63 В 69-00” ва “Кўп функцияли стойка” спорт ускуналари ва ишлаб чиқилган махсус машқлар мажмуасининг қўлланилиш самарадорлигини аниқлаш бўйича ёш курашчилар билан ўтказилган педагогик тажрибалар кенг ёритилган.

Учинчи босқичда (2019-2020 ўқув йили) тажриба ва назорат гуруҳларига бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи 10-12 ёшли курашчилар жалб қилинди. курашчиларнинг координацион қобилиятларини ривожлантириш ва техник-тактик ҳаракатларини такомиллаштириш самарадорлигига йўналтирилган махсус ишлаб чиқилган “МРК А 63 В 69-00” спорт ускунасида, кураш гиламида бажариладиган машқлар таъсири педагогик тажрибаларда аниқланди.


Координацион қобилиятларни ривожлантириш ва техник-тактик ҳаракатлар самарадорлигини оширишга йўналтирилган тайёргарлик босқичи машғулоти юкламалари оптималлаштирилди. Бу мақсадда ишлаб чиқилган технологиянинг самарадорлиги тажриба-синовларда ўз аксини топди.

Биз томонимиздан Фарғона вилояти Қўқон шаҳридаги 1-сонли болалар-ўсмирлар спорт мактабида, Фарғона вилоятининг Бешариқ туманидаги болалар-ўсмирлар спорт мактабида, Қўқон шаҳар 2-сонли болалар-ўсмирлар спорт мактабида ёш курашчиларнинг техник-тактик ҳаракатларини такомиллаштиришда махсус координацион машқларнинг қўлланилиши синовдан ўтказилган тадқиқотларнинг самарадорлиги асосланди. Тадқиқотлар натижасида олинган маълумотлар математик-статистика усуллари ёрдамида таҳлил қилинди, диссертация иши шакллантирилди ва расмийлаштирилди.

Диссертациянинг **“Ёш курашчиларнинг техник ҳаракатларини координацион машқлар ёрдамида ривожлантиришнинг методологик асослари”** деб номланган учинчи бобида тренерлар ўртасида ўтказилган сўровнома натижалари, ёш курашчиларнинг техник усуллари бажариши, техник-тактик маҳоратини оширишнинг методологик хусусиятлари, ёш курашчиларнинг техник-тактик тайёргарлигини такомиллаштириш хусусиятлари юзасидан маълумотлар келтирилган. Бизнинг сўровномамизда қатнашган кураш турлари бўйича мураббийлар, спортчилар ва мутахассислар курашчиларнинг тиззадан кўтариб ташлаш усулини бажаришдаги техникасини назорат қилиш масаласида турли хил фикрларни билдирдилар. Анкета сўровномасида кураш бўйича 40 нафар тренер ва мутахассислар иштирок этди. Сўровнома натижалари 1- расмда акс эттирилган.

Анкета сўровномасида иштирок этган тренерларнинг 31% тиззадан кўтариб ташлаш усулини бажаришда техник тайёргарлик ҳамма турлари ичида энг муҳими, деб ҳисоблайдилар, 34% респондент жисмоний

тайёргарликни 20% - психологик тайёргарлик ва тактик тайёргарликни 15% респондент таъкидлаган.




1-расм. кураш бўйича тренерлар ва мутахассислар ўртасида ўтказилган анкета сўровномаси натижалари

Буларнинг аҳамиятли даражасига кўра, тактик тайёргарлик 4-ўринда, психологик тайёргарликдан кейинги ўринда туради, деб ҳисоблайдилар. Мазкур муаммо юзасидан фикрларнинг бундай фарқ қилиши, бизнинг фикримизча, тренер-мутахассисларнинг малакаси, иш тажрибаси даражасининг ҳар хиллиги, машғулотларга турлича услубий ёндашиши билан боғлиқ эканлигидан далолат беради.

Шунингдек, тиззадан кўтариб ташлаш усулини бажариш техникаси, курашчининг етакчи ҳаракат сифатларининг аҳамиятига оид масала бўйича ҳам фикрларнинг ҳар хиллиги қайд қилинди. 40 нафар сўралган тренерлар ва мутахассисларнинг 50 фоизи курашчиларнинг куч сифатларини етакчи, деб ҳисоблайди. Бу ерда мусобақа қоидаларининг таъсири кўзга ташланади. Қоидалар курашдаги беллашувнинг кўп ҳаракатли ва қисқа вақт ичида кечишига ёрдам беради. Бошқа жисмоний сифатлар борасида қуйидаги натижалар олинди: респондентларнинг 25% и тезкорлик сифатларини олдинга ўринга қўйишади, 20% курашчиларнинг чидамкорлигини устун, деб билишади ва 5% тренерлар чаққонликни етакчи жисмоний сифат, деб ҳисоблайди.

Шуни айтиш жоизки, курашда қўлланиладиган восита ва усуллар, техник элементларни такомиллаштириш йўллари илмий адабиётларда етарлича ёритилмаган. курашни ривожлантириш бўйича махсус машқларни бажариш тўғрисида аниқ маълумотлар жуда кам. Юқоридаги фикр ва мулоҳазаларни инобатга олиб, ёш курашчиларнинг техник-тактик ва жисмоний тайёргарлиги самарадорлигини ошириш мақсадида модулли дастур ишлаб чиқилди, ушбу модулли дастур қуйида ифодаланган (2-расмга қаранг).



2-расм. Курашчилар учун тезлик, реакция қилиш, ҳамда координацион қобилиятларни ривожлантириш учун машқлар модули

Ушбу модул % 2 қисмдан ташкил топган: Тезлик ва реакция қилиш қобилиятлари ҳамда координацион қобилиятлар.

Модулнинг биринчи қисми “Тезлик ва реакция қилиш қобилиятлари учун машқлар модули” Ёш курашчиларнинг индивидуал хусусиятларидан келиб чиқиб, қуйидаги уч турдаги машқлар (воситалар) танлаб олинди. “Максимал ҳаракатлар сони, 10 секунд. Теппинг-тест”, “Сантиметрли чизғични ушлаш (см)”, “Товушга белгиланган машқларни бажариш, сек”, “Турли рангларга белгиланган машқларни бажариш, сек”, “Хуштак чалиниши билан Ўнг ёнбошдан ошириб ташлаш, 10 сония ичида (марта)”, “Рақибни кўтариб чап оёқ билан тўсиб ташлаш, 10 сония ичида (марта)”, “Тиламда кўприк ҳолатида туриб ўнгга ва чапга айланишлар (10 сония ичида)”. Ушбу машқлар нафақат реакция тезлигини, балки ёш курашчиларнинг асаб тизимининг ҳаракатчанлигини ҳам назорат қилишга қаратилган. Биринчи модулдаги машқларни дастур бўйича 1-3 дақиқагача ва машқларни такрорлаш сони 1-2 маротабагача аэроб тиклантирувчи шиддат зонасида бажариш тавсия этилади.

Модулнинг иккинчи қисми - “Координацион қобилиятларни ривожлантириш учун машқлар модули”да ҳам етти та махсус машқлар танлаб олинган. Булар “20-30 метрга сакраш (бир оёқда)”, “Тўсиқлардан айланиб ўтиб баскетбол тўпини саватга тушириш (сек)”, “Тўсиқли эстафеталардан югуриш, предметсиз(вақтга), “Оёқлар жуфт ҳолатда 20 м масофага сакраб бориш”, “Олдинга умбалоқ ошиш, дарҳол сакраб ҳавода қарсак чалиш”, “Гимнастика сальтоси(“ғилдирак”) ўнг ва чап томонларга”, “Арғамчида сакраш, марта” каби машқлардир, координацион ҳаракатларнинг аниқлиги учун мўлжалланган. Иккинчи модулдаги машқларни 1-3 дақиқагача ва машқларнинг такрорлаш сони 3-5 маротабагача аэроб тиклантирувчи ҳамда анаэроб ривожлантирувчи шиддат зоналарида бажариш тавсия этилади.

Курашчилар учун умумий, махсус ва мувозанат сақлаш қобилиятини ривожлантиришга мўлжалланган машқлар (воситалар) модули.

Ушбу дастурнинг мазмун моҳияти шундан иборатки, ёш курашчиларнинг машғулоти ва юкламаларни оптималлаштириш мақсадида махсус координацион қобилиятларни ривожлантиришда қўлланиладиган табақалаштирилган машқлар (воситалар) тизимлаштирилган. Мазкур дастур учта модулни ўз ичига олган. (3-расмга қаранг). Булар қуйидагилар:

- Умумий жисмоний тайёргарлик учун машқлар модули
- Мувозанат сақлашни такомиллаштириш учун машқлар модули
- Махсус жисмоний тайёргарликни ривожлантириш учун машқлар модули.

Курашчилар учун умумий, махсус жисмоний тайёргарлик ва мувозанат сақлаш қобилиятини ривожлантиришга мўлжалланган машқлар (воситалар) модули



3-расм. Курашчилар учун умумий, махсус жисмоний тайёргарлик ва мувозанат сақлаш қобилиятини ривожлантиришга мўлжалланган машқлар (воситалар) модули

Модулнинг биринчи қисми - “Умумий жисмоний тайёргарлик учун машқлар модули”нинг моҳияти шундан иборатки, ушбу курашга хос бўлган 7 та махсус машқлар ажратиб олинган: “Жойидан узунликка сакраш, орқа ўгирган ҳолатда чап томонга айланиб”, “Жойидан узунликка сакраш, орқа ўгирган ҳолатда ўнг томонга айланиб”, “Кўрсатилган турли баландликларга сакраш”, “Теннис коптогини белгиланган масофадан нишонга аниқ уриш”, “Юриш, югуриш ва сакраш машқларини қатъий белгиланган вақтда бажариш”, “Моқисимон югуриш, 4x10 метр”, “Турган жойдан баландликка сакраб 360 градусга айланиш”. Юқоридаги қайд этилган машқлар ёш курашчиларнинг умумий координацион қобилиятини ривожлантиришга қаратилган. Биринчи модулдаги машқлар дастур бўйича 2-3 дақиқагача ва машқларнинг такрорлаш сони 3-5 маротабагача, аэроб тиклантирувчи шиддат зоналарида машқларни бажариш тавсия этилади.

Модулнинг иккинчи қисми - “Мувозанат сақлаш қобилиятини такомиллаштириш учун машқлар модули” эса еттита машғулотларни ўз ичига қамраб олган. “Кўзни юмган ҳолда 10-20 метрга юриш”, “Турли баландликларда мувозанат сақлаб туриш, бир оёқда”, “Гимнастика ходасида турли машқлар”, “Турган жойида 20 марта айланиб тўғри чизик бўйлаб ҳаракатланиш (метр)”, “Барани креслосида ўтириб горизонтал мувозанатни сақлаш, 20 секунд”, “Барани креслосида ўтириб вертикал мувозанатни сақлаш, 20 секунд”, “Барани креслосида ўтириб сагиттал мувозанатни сақлаш, 20 секунд”. Ушбу воситалар ёш курашчиларнинг координацион қобилиятини ривожлантиришда мувозанат сақлаш учун махсус машқлар хисобланади. Модулнинг учинчи қисми - “Махсус жисмоний тайёргарлик учун машқлар модули”. Ушбу бўлимда курашчиларнинг махсус жисмоний тайёргарлигини оширишда координацион қобилиятларни ривожлантириш учун еттита восита берилган. “Манекенни фазода (ярим гимнастика кўприги ҳолатида) бир оёқда туриб ушлаб туриш”, “Гидамда кўприк ҳолатида туриб, ўнгга ва чапга айланишлар (10 сония ичида)”, “Рақибни ушлаш ва гиламдан узиш ҳолатига ўтиш (20 сонияда)”, “Шеригини тиззасига қўл текказиш (вақтга)”, “Шеригини белдан ошириб ташлаш (вақтга)”, “Шеригини гиламдан ташқарига олиб чиқиш, қаршилиқ билан”, “Диаметри 1,5 метр бўлган айлана ичидан рақибни туртиб чиқариш “Хўрозлар жанги” каби машқларни ўз ичига олган. Учинчи модулдаги машқлар дастур бўйича 3-5 дақиқагача ва машқларнинг такрорлаш сони 1-5 маротабагача бажарилади, аэроб тиклантирувчи шиддат зонасида машқларни бажариш тавсия этилади.

Курашчиларнинг юқорида баён этилган модулли дастур асосида шуғулланиш тартиби қуйидагича: машғулот жараёнининг ҳар бир микроциклида биттадан модуль машқлари бажарилди.

Курашда бажариладиган машқлар мажмуини ифодаловчи педагогик кузатишнинг аниқ маълумотлари ҳанузгача ишлаб чиқилмаган, фақатгина услубий тарзда умумий ҳолатлари қисман баён этилган.

Кураш машғулотларида қайси омиллар энг қимматли ва қайсилари асосийлари эканлиги ҳақида ҳам етарли маълумотлар йўқ. курашда ғолиб

чиқиш учун қайси жисмоний қобилиятлар муҳимлиги кўрсатилмаган, жумладан, қайси мушаклар гуруҳи ҳаракатлари қайси усулни бажарганда қанчалик аҳамиятли эканлиги ҳам етарли далилларга асосланиб кўрсатилмаган.

10-12 ёшли курашчилар машғулотларда дастурда белгиланган координацион қобилиятларни ривожлантириш машқлари ёрдамида ҳамда муаллиф томонидан яратилган курашчиларнинг кўчма мобил тренажёрида машғулотлар олиб бордилар. Тадқиқот якунида олинган натижалар машқларни спортчиларнинг координацион қобилиятларига ижобий таъсир этганлигини кўришимиз мумкин. Ёш курашчиларнинг координацион қобилиятларини ривожлантиришда умумривожлантирувчи, гимнастика, мувозанат сақлаш, реакцияни ривожлантирувчи машқлардан фойдаланиб юқори натижаларга эришилди. Курашчиларнинг кўчма мобил тренажёри 4-расмда акс этирилган.



4-расм. Курашчиларнинг кўчма мобил тренажёри

Ҳозирги кунда ёш курашчиларнинг техник тайёргарлигини баҳолаш асосан мусобақа фаолияти натижаларига кўра амалга оширилади. Бунда кўпинча ёш полвонларнинг тайёргарлигини баҳолашда унинг мусобақада эгаллаган ўрни ҳисобга олинади. Шу мақсадда илмий раҳбирим билан бирга янги “Курашчиларнинг кўчма мобил тренажёри”ни ишлаб чиқдик. Унинг мазмуни қуйидагича:

Курашчилар учун мобил тренажёр

Ихтиро спорт анжомлари соҳасига, хусусан, курашчиларни тайёрлаш учун мўлжалланган мосламаларга тегишли.

Курашчиларни тайёрлаш учун таниқли қурилма (2208467-сонли ихтиро учун РФ патенти), горизонтал таянчга ўрнатилган, ҳаракатланувчи тана қисмларига эга манекен ва рақиб қаршилигини тақлид қилиш воситаларига эга, манекеннинг орқа томони юқори қисмидан бириктирилган. Ускуна корпусда жойлашган ползунга эга ва ползун билан тутатиш учун пружинали қисилган плитанадан иборат.

Аналогнинг камчиликлари – кўп материал тилаб қилиши ва қурилманинг мураккаблигидир.

Курашчининг тик туришда кучини машқ қилдириш учун таниш қурилма (ПМ № 96330 учун РФ патенти), қурилма платформада ўрнатилган Г-шаклидаги устунни ўз ичига олади. Платформада манекен жойлашган бўлиб, у қаршилиқ яратиш учун иккита мослама билан уланган, уларнинг ҳар бири электр мотордан иборат бўлиб, унинг валига ғалтак ўрнатилган, эгиловчан тяга ва электр моторнинг иккинчи учи ток манбасига уланган.

Юқорида кўрсатилган натижалар қўлга киритилганидан сўнг тренернинг муҳим вазифаларидан бири мусобақа фаолиятини моделлаштириб, маълум даражада муайян спортчилар билан бўлажак мусобақа натижаларини башорат қилган ҳолда ўқув-машғулот жараёнига ўзгартиришлар киритишидан иборат.

